

# Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги кимё саноат маҳсулотларининг 8-август санасидаги савдо якунлари

// 08 avgust 2023 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/birja20230808>



[uzkimyosanoat](#)



[uzkimyosanoat.uz](#)



(+99878) 140-74-25

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги ўз савдо майдончаси орқали ташкилот тизимидағи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган кимё маҳсулотлари савдосининг 2023-йил 8-август санасидаги якуни бўйича маълумотларни тақдим

этади.

Жорий йилнинг 8-август куни "Ўзкимёсаноат" АЖ тизимидағи корхоналар томонидан Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси очиқ биржа савдолари орқали жами 7870,0 тонна 24 819,1 млн. сўмлик минерал ўғитлар сотилди. Ўтган куни бу кўрсаткич паст бўлган, яъни 7-август куни 20 609,3 млн. сўмлик 6767,0 тонна минерал ўғитлар сотилган.

Биржа савдоларига ташкилот тизимидағи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган аммиакли селитра, карбамид, сулфат аммоний, аммофос, PS-Агро, калийли ўғитлар, суперфосфат азот-фосфорли ўғит каби маҳсулотлар қўйилди. Савдога қўйилган минерал ўғитлардан аммиакли селитра энг кўп сотилган маҳсулот бўлиб, сотувнинг 43 фоизини ташкил этди.

Шунингдек, "Ўзкимёсаноат" АЖ тизимидағи корхоналар томонидан минерал ўғитлардан ташқари бугунги кун саноатида кенг қўлланилаётган ПВХ, каустик сода, формалин, натрий гипохлорид, кальцинацияланган сода, азот кислотаси ва суюқ кислород каби бир қатор кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Улар ҳам доимий равишда биржа савдоларига қўйиб борилади. 8-август куни жами 4 660,2 млн. сўмлик бошқа турдаги кимё маҳсулотлар сотилди. Ўтган куни бу кўрсаткич юқори бўлган, яъни 7-август куни 8 172,7 млн. сўмлик бошқа турдаги кимё маҳсулотлари сотилган. Сотувнинг асосий қисмини яъни 50 фоизини кальцинацияланган сода маҳсулоти ташкил этди.

Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги "Ўзкимёсаноат" АЖ савдо майдончаси орқали ташкилот тизимидағи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар савдоси бўйича барча маълумотларни [www.uzkimyosanoat.uz](http://www.uzkimyosanoat.uz) расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги <https://t.me/uzkimyosanoat> ва <https://www.facebook.com/uzkimyosanoat/> расмий саҳифалари орқали олишингиз мумкин.

Маҳсулотларни етказиб бериш ва уларнинг сифат даражаси бўйича таклиф ва эътиrozларингиз бўлса, (78) 140-74-48 ишонч телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

**"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати**